# ШАРТНОМА №5

**Реклама маълумотлари (мақолалар ва эълонлар) тайёрлаш ва чоп этиш тўғрисида**

202*22* йил "*25*" *январь* **Тошкент шаҳри**

**"Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги"** журнали таҳририяти (кейинги ўринларда **"Бажарувчи"** деб ютитилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи **Бош муҳаррири Т. ДОЛИЕВ** бир тарафдан ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи *АТРМ* (кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритилади) номидан раҳбари *Ш. Курбонов* иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"**нинг буюртмасига биноан корхонаси ёки ташкилотнинг фаолияти, маҳсулотлари, товарлари тўғрисида реклама маълумотлари (мақолалар ва эълонлар) тайёрлаш ва матбуотда жойлаштириш (кейинги ўринларда "ишлар" деб юритилади) мажбуриятларини олади, **"Буюртмачи"** эса ушбу бажарилган ишлар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**1.2.** Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар:

| Бажариладиган иш (хизмат) тури | Ўлчов бирлиги | Нархи | Нашр миқдори | Акциз солиғи | | ҚҚС | | Кўрсатилган хизматлар учун тўлов қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ставка | Сумма | Ставка | Сумма | |
| **Эълон, реклама, мақола, табрик учун тўлов** (*керагининг тагига чизилсин*) | **саҳифа** | *200000* | *1* | **Акциз солиғисиз** | | **ҚҚСсиз** | | *200000* |
| **Умумий сумма сўз билан(сўм)** | *Икки юз минг сўм* | | | | | | | |

## II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

а)бажариладиган ишлар учун ушбу шартномага мувофиқ **"Бажарувчи"** билан тўловни (ҳисоб-китобни) амалга ошириш;

б) реклама-ахборот маълумотларини тайёрлаш учун керакли маълумотларни **"Бажарувчи"**га ўз вақтида тақдим этиш;

в) ўз буюртманомаси бўйича бажариладиган ишларни, мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

**2.2. "Бажарувчи" нинг мажбуриятлари:**

а)**"Буюртмачи"**нингреклама-ахборот материаллари учун берган буюртмасини ва керакли ҳужжатларни қабул қилиб олганидан сўнг журналнинг келгуси сонларида чоп этиши;

б) шартномага мувофиқ берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда, сифатда ишларни бажариш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**3.1.** Шартноманинг умумий баҳоси *200000 (Икки юз минг)*
*(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)*
сўмни ташкил этади.

**3.2. "Буюртмачи"** бажариладиган ишлар учун ушбу шартнома ғазначиликбўлимида рўйхатга олиниб, имзолангандан сўнг, 5 (беш) банк кунида умумий сумманинг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизини 20 банк кунида иш бажарилгандан сўнг **"Бажарувчи"**нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Шартнома 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

**3.3.** Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар шартномага ***илова*** қилинган "Ҳисоб-фактурага" асосан амалга оширилади.

## IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**4.1.** Ишлар бажариш муддати кечиктирилган тақдирда **"Бажарувчи" "Буюртмачи"**гамуддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

*Таҳририятга қайтарилади!.*

**4.2.** Бажариладиган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун**"Буюртмачи" "Бажарувчи"**га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**4.3.** Пеняларининг тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**5.1.**Ушбу шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

**5.2.**Тарафлар ўртасида келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

**6.1.**Тарафлардан бири шаргномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошка табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

**6.2.**Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

## VII. БОШҚА ШАРТЛАР

**7.1.** Катта ҳажмдаги расмий хабарлар, Қонун ва Фармонлар чоп этилиши муносабати билан **"Бажарувчи"** томонидан **"Буюртмачи"** нинг реклама-ахборот материаллари чоп этилиши муддатини ўзгартириши мумкин.

**7.2.**Шартнома бўйича реклама-ахборот материалларини чоп этиш учун белгиланган тариф ошадиган бўлса, бу хакда **"Бажарувчи"** томонидан **"Буюртмачи"** белгиланган тартибда 15 (ўн беш) кун ичида ёзма равишда огоҳлантирилади.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**8.1.** Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда қайд этилиши ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

**8.2.**Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр амал қилади.

**8.3.**Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Рсспубликасининг амалдаги қонунлари билан тартибга солинади.

**8.4.**Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида биттадан сақланади.

## IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**"БАЖАРУВЧИ"**

**"Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги"**
**журнали таҳририяти**
**Тошкент 100021, Навоий кўчаси, 44уй.**
**Ҳисоб рақами: 20210000203968536001**
**"АСАКА" ДАТБ, Шайхонтоҳур филиали.**
**МФО 00969. ИНН 202680177. ОКЭД 18110.**
**Тел.: 242-13-54, (факс): 249-13-54.**
**e-mail: uzqx_jurnal@mail.ru**

**Бош муҳаррир** **Т. ДОЛИЕВ**

М.Ў.

**"БУЮРТМАЧИ"**

«АХБОРОТ ТАХЛИЛ ВА РЕСУРС МАРКАЗИ»
Тошкент шахар Шайхонтоҳур тумани 1А-уй
Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010
Ўзбекистон Респ. Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ш/Х.В: 100010860262777042402170006
МФО: 00014 Марказий банк Бош офиси
ИНН: 201 122 919 ОКЭД: 74900

**Почта индекси:**
**Манзил:**

**Ташкилот раҳбари** ____________
(имзо, ф.и.ш.)

М.Ў.

юрисконсульт